ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
АКАДЕМИЯСИ

# "ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ" МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

**2020 йил 15 май**

DBA
Akademiya

**ТОШКЕНТ – 2020**

**“Давлат бошқаруви ва иқтисодиётни рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари”** мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2020 й. 503 б.

***Таҳрир ҳайъати аъзолари.***

| | |
|---|---|
| **Алимов Б.Б.** | Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректор |
| **Тошматов Ш.А.** | “Иқтисодиёт ва молия” кафедраси мудири |
| **Рахманов Қ.С.** | “Бошқарувда АКТ” кафедраси мудири |

Мазкур тўпламдаги мақолаларда давлат бошқарувини рақамлаштириш, “Рақамли Ўзбекистон -2030” дастури ва уни амалга оширишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ҳамда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг илғор хориж тажрибасини ўрганиш асосида давлат бошқаруви ва иқтисодиётни рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари, банк тизимида рақамли технологияларни қўллаш ва трансформация қилиш, иқтисодиётни рақамлаштиришда давлат молиясини бошқариш тизимини ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш каби масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган ҳамда тадқиқотлар натижасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар таклиф этилган.

***Компьютерда таҳрир аъзолари***

**Қ.С.Рахманов, Д.М.Абдивахобов**

*Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир ҳайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.*

# II СЕКЦИЯ. БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

## БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Азларова А.А.*
*Тошкент Давлат иқтисодиёт университети*
*“Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н.*

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида туб бурилишларни амалга оширишга йўналтирилган. Бунга яққол мисол сифатида 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилганидир [2].

Ҳаракатлар стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, хусусан, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш масалалари кўрсатилган.

Ҳозирда, банк ва молия тизимида ислоҳотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарурияти ортган.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида «2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» деб эълон қилинганлиги, бу борада банк тизими олдига қатор вазифаларни бажаришни келтириб чиқаради.[3]

Замонавий технологиялар мунтазам такомиллашиб боргани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат экани билан ғоят аҳамиятлидир [4].

Ҳар қандай банк-алоҳида ривожланувчи ва фикрловчи иқтисодий бирлик сифатида гавдаланади. Чексиз молиявий ҳудудларда фаолият олиб бориб, банклар

олдиларида турган асосий вазифаларидан бири сифатида, чегарасиз ҳажмдаги ахбортлар оламида ҳаракатланиш, бўлаётган жараёнларни комплекс баҳолаш ва ўз вақтида ўзгарувчан муҳитга мослашишдир. Замонавий бозор шароитида ахборотни қайта ишлаш тезлиги ва сифати катта аҳамиятга эга. Чунки, бошқарув масалаларини ҳал этиш жараёнида ахборотга тўлиқ эгалик қилиш, рақобат кучаётган шароитларда ривожланиш учун асос бўлади.

Тижорат банкларининг энг муҳим вазифаларидан бири бу мамлакат иқтисодий ривожланишида молиявий воситачи сифатидаги иштироки ҳисобланади. Бунда тижорат банклари ўзларига жалб қилинган барча пул маблағлари(капитал)ни иқтисодиёт тармоқлари ҳамда иқтисодий соҳалар бўйича қайта тақсимланишини таъминлайдилар.

Бунда тижорат банклари мавжуд капитални паст самарали тармоқлардан миллий иқтисодиётнинг самарали рақобатбардош тармоқларга оқиб ўтишига таъсир кўрсатади. Банклар корхона, ташкилотларнинг, давлат ва аҳолининг пул маблағларини бир жойга жамлаб уларни тўлов ва қайтариб бериш шарти билан қайта тақсимлайди.

Натижада Республикамиздаги пул маблағларини жамғарма соҳасидан истеъмол соҳасига кўпроқ оқиб ўтишига бевосита ижобий таъсир этади. Бундан ташқари тижорат банкларининг бевосита ҳамда билвосита иштирокида иқтисодиёт учун зарурий бўлган капитал, яъни инвестиция маблағларининг ҳажми кўпаяди. Шунинг учун миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик таркибий қайта қуриш учун муҳим бўлган пул маблағларининг ҳажмини ошишида тижорат банкларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор” деб таъкидлаб ўтдилар [3].

Дунёда ахборот технологияларининг ривожланиши жараёнида, рақамли иқтисодиёт атамаси юзага келди ва ушбу атама биринчи марта Канадалик олим Дон Тапскот томонидан "Электрон рақамли жамият: тармоқ асрининг афзалликлари ва камчиликлари» китобида 1995 йилда ишлатилган. Унинг фикрича, бозор субъектлари фаолиятини рақамли трансформациялашнинг асосий омили рақамли маъданиятни ривожлантириш ҳисобланади.

Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёти” турли хил

атамалар билан номланади. Масалан,“постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейц), “билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт) [5].

Ушбу тушунчаларни боғлаб турадиган омил – бу иқтисодий жараёнларнинг глобаллашувида ахборот технологияларининг бирламчи ўринни эгаллаши бўлиб ҳисобланади

Рақамли иқтисодиёт терминига бир қатор хорижий ва махаллий иқтисодчи олимлар томонидан таърифлар берилган. Жумладан, академик С.С.Ғуломовнинг фикрича “Рақамли бизнес бу – жисмоний ва рақамли дунёларни бирлаштирадиган янги бизнес-моделлар пайдо бўлишидир” [6].

Рақамли маълумотлар қимматбаҳо иқтисодий ресурс ҳисобланса-да, у рақамли тафаккурга айланганидагина фойда келтиради. Рақамли иқтисодиёт кириб келиши билан рақамли платформалар яратиш ва тез суръатларда ўсиб бораётган рақамли маълумотларни монетизация қилиш муаммолари вужудга келмоқда. Бунда қиймат ярата олиш йўлларини, мазкур жараёнлардаги тўсиқларни бартараф этиш воситаларини аниқлаш муҳимдир. Бу қийматни яратиш ва тарқатиш салоҳиятини, қийматни янгилаш, бошқариш ҳамда қийматни қўлга киритиш шаклларини тушуниш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш” ҳақидаги 2018 йил 30 июндаги 22/5-сонли қарорининг биринчи бандида Ўзбекистон қонунчилигига илк марта рақамли банк тушунчаси олиб киритилди;» [7].

«Рақамли банк - инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартибларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади» [7].

Ҳозирги кунда республикамиз хукумати томонидан банк тизимини ривожлантириш учун 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастурини амалга ошириш, бу борада банкларнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор бериш, ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш, шу йилнинг 1 июлига қадар “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш ҳамда соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш каби кескин чоралар кўриш вазифаси белгиланган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” деб таъкидлаб ўтганлари алоҳида аҳамиятга моликдир [7]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2018 даги ПҚ-3945-сон “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори” қабул қилингандан сўнг, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функсионали кенгайтирилди.

Республикамизда бу борада олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулларига хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошди.

Жумладан, жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган. ( 1-расм)




**1-расм. Муомаладаги банк карталари сони ҳақида маълумот** *(2019 йил 1 январ холатига)*.[7]

1-расм маълумотларидан муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони эса 2019 йилнинг 1 январ холатига 17,6 млн. донани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 68,5 мингтага (13,7%), савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сони 27,2 мингтага (13%) кўпайган.

Маълумки, банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари – бу мижознинг масофадан берган топшириқларига асосан(банкка келмасдан) банк хизматларини тақдим этиш технологиялари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун

қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимининг қўллаш доираси кенгайиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб, масофадан хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2019 йил 1 январ холатига 7 999 107 тага етган, ўтган йилга нисбатан қарийб икки баробар ортган. (2-расм).[8]




**2-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони (турлари бўйича )**2019 йил 1 январь холатига [8]

Умуман олганда, ҳозирда Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналишларидан бири сифатида тўлов тизими барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги Қонуни 2020 йил 3 февралдан кучга кирди. [1].Таъкидлаш ўринлики, ушбу Қонун тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солади.

Ҳозирда, банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборатлигини инобатга олиб, аҳолида банк тизимига нисбатан ишончни шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашишга чек қўйиш долзарб масала ҳисобланади. Шу мақсадда банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш, замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида хорижий мутахассислар билан биргаликда давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш жараёнларини изчил давом эттириш, ҳамда кредитлаш амалиётида “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарурияти ортган.

Дунё тараққиётида рақамли технологияларнинг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, техник трансформацион жараёнларнинг молиявий секторларга кенг тадбиқ этилиши банк тизимлари, тўлов операциялари, кредитлаш ва бошқа шу турдаги хизматлар самарадорлигини янада оширмоқда.

Шу жихатдан, рақамли иқтисодиёт коррупция ва «қора иқтисодиёт»нинг асосий кушандаси ҳисобланади. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди,

хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада «ифлос пулларни» ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради.

Фикримизча, замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида банк хизматларини кенгайтириш учун қуйидагиларни амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади:

- банк мижозларга маълум бир муддатга белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи банк кредит карталарини муомалага киритиш;
- банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкинг», «Интернет-банкинг», «Мобил-банкинг») фойдаланиш учун махсус дастурлар имкониятларини кенгайтириш;
- банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақларини бошқариш имкониятини кенгайтириш;
- банк пластик карточкалари билан истеъмол товарларини харид қилиш учун тўловларни амалга оширганда чегирмалар бериш ва уларни солиққа тортмаслик амалиётини жорий қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради.

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА БАНКЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Бахриддин Бердияров Тавашарович*
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, и.ф.н., доц.*

Тижорат банкларининг ишончлилигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Тижорат банклари ишончлилигининг йўқолиши, иқтисодиёт субъектлари ўртасида тўловларнинг вақтида ўтмаслигига сабаб бўлиб, бу ҳолат иқтисодий циклга салбий таъсир

ҳисобланмайди. Чунки экологик сиёсатнинг энг муҳим натижаларидан бири бу “яшил иқтисодиётни” шакллантириш билан белгиланади.

**МУНДАРИЖА**

**1-СЕКЦИЯ**

**“ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ”**

**Хорунов А.А.**
Давлат захиралари тизимида ахборот хавфсизлигининг ўрни……….........................................................................3
**Рахманов Қ.С., Махманов Б.Қ.**
Давлат бошқарувида давлат фуқаролик хизматчилари касбий фаолиятини баҳолаш тизими маделининг ўрни..........8
**Irgasheva D.Y., Xolimtayev X.U.,Rustamova S.R.**
Iqtisodiyotni raqamlashtirishda tarmoq xavfsizligining ahamiyati…………………………………………………......11
**Махманов Б.К.**
Роль менеджмента информационных технологий в цифровой трансформации узбекских компаний………………..…15
**Косбергенова М.С.**
Давлат бошқарув органларида ахборот очиқлигини оширишдаги ислоҳатлар ривожи ва тенденцияси…………..…18
**Шарифжанова Н.М.**
Школа цифрового века. мобильное обучение как новая технология в образовании………………………………..…24
**Акбаров Д.А.**
Боқимандалик кайфиятини бартараф этишда рақамлаштиришнинг ўрни ва роли…………………………....….31
**Маъмур Б.**
Рақамли ўзбекистон ва ёшлар……....................................................................................................………..…..34
**Тўхтаев К.Қ.**
Ўзбекисон Республикаси электр энегетика тармоғини стратегик ривожлантиришда рақамли технологиялар ўрни……………………………………................……………………………………………………….……..……37
**Мулайдинов Ф.М.**
Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш уфқлари……..................................………………......………43
**Bekmurod Y.J.**
State personnel policy in the conditions of digital transformation of state governance……………………...……......…..46
**Савурбаев А.А., Элчиев Ж.Ж.**
Ўзбекистонга рақамли иқтисодиёт нима учун зарур ҳамда уни ривожлантиришда тўсқинлик қилаётган муаммолар ва таклифлар………...................................................................................................................….........49
**Мавлянов С.Б.**
Рақамли темир йўл – “ўзбекистон темир йўллари” аж ни ривожлантиришнинг янги босқичи..……………………......54
**Ташпулатов Г.Т.**
Цифровая трансформации оценочной деятельности с применением блокчейн технологии в узбекистане…….…....58
**Алишер Р.Б.**
Тармоқланган фермер хўжаликларининг ахборот ресурсларига интеллектуал ишлов бериш жараёнлари...……......61
**Эгамбердиева М.О.**
Формирование «информационного общества» как фактор экономического развития стран……………………..…65
**Саидов У.Ш.**
Ўзбекистонда халқаро юк ташувларда қўлланиладиган ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш масалаларига оид……………………….........................................................................……………………….…….......67
**Савурбаев А., Элчиев Ж.**
Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборотларни ҳимоя қилиш тизимини жорий этишдаги муаммолар.......72
**Джумаев Д.И.**
Важность разделение ответственности при внедрении на аэродроме усовершенствованной системы управления наземным движением и контроля за ним……………...…...........................................................................…………77
**Касимова Ш,Н.**
ERP-тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш……...........................................................................................80
**Балтаев Р.Д.**
Рақамлаштириш: бугун ва эрта…..............................................................................................................……..…....85
**Тошев С.С.**
Кластерлар жаҳон тажрибасида ва миллий бошқарувда кластер ёндашуви………………......……………….……89
**Шохаъзамий Ш.Ш.**
Концепция цифрового смарт рынка…..........................................................................................................….…..92
**Саидов А.А.,Хакимова Ф.А.**
Вопросы сертификации товаров внешней торговли на базе таможенной информационной системы «единое окно» республики узбекистан........................................................................................................... .......................97
**Қамбаров Ж.Х., Хатамов Ғ.Т.**

Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда рақамлаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари…..................................................................................................................................…..........104
**Рахманов Қ.С.**
Давлат бошқаруви ва иқтисодиётини рақамлаштиришдаги муаммо ва ечимлар………............................................108
**Отажонов У., Гафуров Ю.**
Электронное правительство - фактор социально-экономического развития региона……........................................112
**Саидов С.Ш.**
Внедрения принципа «интернет демократии» в общественном управлении………..................................................116
**Султанов Р.Р.**
Обзор методов и инструментов анализа больших данных………..................................................................................120
**Ҳасанов Т. А., Холиқова Н. А.**
Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиётини рақамлаштиришнинг аҳамияти……….........................123
**Иминов А. О.**
Рақамлаштириш жараёни иқтисодий ривожланишнинг асосий тамойили сифатида………........................................127
**Abdukarimov S.S.**
Dasturlash sporti va unga tayyorgarlik ko‘rish metodlari………..................................................................................130
**Абдурахманова У. Р.**
Рақамли иқтисодиётда бизнес моделлари……….................................................................................................133
**Рахимова Д. Н., Нуритдинова Д. А.**
Развитие “электронного правительства” – как источник совершенствования оказания государственных интерактивных услуг………...................................................................................................................................136
**Мамасоатов Д.Р.**
Тадбиркорлик субъектлари экспортида ахборот-коммуникация………........................................................................140
**Рахманов Қ.С.,Ўнгбоева Д.Қ.**
Таълимни рақамлаштиришнинг давлат бошқарувидаги аҳамияти………..........................................................................144
**Муротов А.Ж.**
Тошкент шаҳрида “ақлли транспорт” тизимини жорий қилишнинг аҳамияти………..................................................147
**Юлдашев А.Э.**
Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини рақамлаштиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси……...................................................................................................................................................154
**Қаландаров А.У.**
Давлат корхоналарида бошқарув самарадорлигини ошириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш омили сифатида………...................................................................................................................................................158
**Яров А.И.**
Ҳудуднинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш рақамли технологияларнинг ўрни………...................................164
**Пўлотов Ш.Д**
Рақамли иқтисодиётнинг кичик бизнес ривожлантиришдаги аҳамияти……………………………………..…..168
**Рахматов Б.И.**
Повышение энергоэффективности горных предприятий на основе управления энергетическими ресурсами (на примере месторождения «Мурунтау» НГМК) ………………………………………………………………………172

## II СЕКЦИЯ.
## БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

**Азларова А.А.**
Банк тизимида рақамли технологияларни қўллаш ва трансформация дастурини амалга оширишнинг долзарб масалалари…………………………………………………………………………………………………………177
**Бахриддин Б.Т.**
Пандемия шароитида банкларга бўлган ишончни ошириш имкониятлари………………………………………...182
**Бозоров Ж.Р.**
Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш ролини ошириш…………………………… 186
**Ғаффоров Ф.С.**
Ўзбекистонда банк хизматларини ривожлантириш истиқболлари…………………………………………………… 189
**Жабборов И.А., Ёқубов М.В.**
Инвестицион лойиҳаларни молиялаштирилишида рақамли иқтисодиёт самарадорлигининг ўрни……………….. 193
**Мамадияров З.Т.**

Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ва рақамли технологияларга асосланган хизматларни Covid-19 пандемияси шароитида ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалалари……………………………..... 200
**Мусаева Ж.К.**
Особенности развития и трансформации банковской системы узбекистана в условиях глобализации…………….204
**Pulatov Sh.S.**
Uae experience in stimulating small business financing……………………………………………………………208
**Қодирий Т.Х.**
Тижорат банкларида конверцион операцияларни такомиллаштириш – банк-молия тизимидаги бугунги муҳим вазифаларидан бири сифатида…………………………………………………………………………………211
**Қурязов С.Б.**
Миллий иктисодиётни инновацион ривожлантириш жараёнларини банк томонидан молиялаштириш ва банкларда трансформация муаммолари……………………………………………………………………………...214
**Саидов Э.И.**
Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитидаўзбекистон республикаси тижорат банклари фаолияти самарадорлигини ошириш…………………………………………………………………………………...217
**Умаров А.В.**
Мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларини рақамлиштириш усуллари………………………………...221
**Ризаев Н.Қ., Хамидов С.Р.**
Замонавий рақамли банкингнинг инновацион ва рақамли иқтисодиётдаги ўрни…………………………………226
**Yoqubov M.V.**
New envision of banking sector in the digital era: transformation of workforce into digital banking……………………..228
**Ҳасанов Т.А.**
Ўзбекистонда уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда банк хизматларини кенгайтириш масалалари……………………………………………………………………………………………229
**Ёқубов М.В.**
Банк тизимида “инсон ресурсларини бошқариш” жараёнида юзага келган муаммоларни хал этишда россия сбербанки тажрибаси ……………………………………………………………………………………..231
**Азизов Ф.А.**
Солиқ тизимида малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари……………………………………………236
**Шадиметов Р.Х.**
Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланишида интернет тармоғининг аҳамияти. интернет тармоғини ривожланиш истиқболлари…………………………………………………………………………………….239
**Ташкулов Дж.А.**
Гидроэнергетика лойиҳаларини молиялаштиришда қимматли қоғозлар бозоридан фойдаланиш йўналишлари….242
**Ҳолмурадов Р.Н.**
Аҳолини қулай ипотека уй-жойлари билан таъминлаш ҳамда хорижий тажрибалар……………………………..245
**Мингбаева Н.И.**
Рақамли иқтисодиётни жорий этилишининг ижтимоий хавфсизликка таъсири…………………………………...248

## III СЕКЦИЯ.
## ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ ВА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Тошматов Ш.А**
Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг “яшил иқтисодиёт” билан уйғунлиги………………………………………… 255
**Кучкаров Т.С.**
Цифровая экономики в финансовой системе узбекистана……………………………………………...…………258
**Бердияров б.т.**
Пандемия шароитида банкларга бўлган ишончни ошириш имкониятлари…………………………………...……261
**Пардаев У.У.**
Рақамли иқтисодиётда давлат бюджетини таркибий прогнозлаштириш йўналишлари…………………………...265
**Туранов М.Ш.**
Тижорат банкларнинг масофавий хизматларининг хусусиятлари……………………………………………………..270
**Имамова Н.М.**

Хизматлар импорти ҳисобини ташкил этиш……………………………………………………………………….272
**Саидов С.Ў.**
Ҳудудларда маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбалари аниқлаш ва даромадларини кўпайтириш масалалари……………………………………………………………………………………………………275
**Юлдашев Б.М.**
Замонавий иқтисодий шароитда чакана банк бизнесини ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари……277
**Жўраев Ш.Х.**
Ҳудудларни ривожлантиришда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ишлаб чиқилган лойиҳалар жозибадорлиги ва уни амалга оширишни ривожлантириш масалалари……………………………………………………………280
**Юлдашева Н.В.**
Обеспечение финансовой самостоятельности местных бюджетов в вопросах финансовой децентрализации…….285
**Артиков Н.А.**
Солиқ маъмуриятчилигини рақамли иқтисодиёт билан уйғунлаштириш…………………………..………………288
**Исламкулов А.Х.**
Ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиёти илмий назарий қарашлар…………………………………………….292
**Тухтабаева С.А.**
Направления оптимизации социальных расходов местных бюджетов……………………………..……………296
**Пардаев У.У.**
Давлат бюджетини режалаштириш ва пронозлаштиришни рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари……..298
**Абдуманнонов Ш.А.**
Божхона органлари фаолиятида интерактив хизматлар ва ақлли назорат тизимларининг роли…………………….302
**Амонов Ш.Қ.**
Ҳудудларнинг инновацион ривожланишини жадаллаштиришда хорижий инвестициялар…………………………305
**Азимов С.С.**
Бюджетга қўшимча тушум жалб қилишда камерал солиқ текшируви, унда давлат хизматлари агентлиги маълумотларидан самарали фойдаланиш…………………………………………………………………………..310
**Азизов Ф.А.**
Малакали кадрлар солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш омили сифатида…………………………………….314
**Тошматов Ш.А.**
Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти ва коронавирус пандемияси давридаги рисклар………………317
**Бақоева Г.М.**
Қимматли қоғозлар бозорида рақамлаштириш масалалари ва биткоинлар амалиёти……………………………..324
**Жабборов И.А.**
Иқтисодиётни ривожлантиршда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва самарадорлиги……………………………327
**Қўшақов С.И.**
Озиқ-овқат хавфсизлиги ва замонавий технологиялар: фаолият, натижа ва оқибатлар……………………...……341
**Мальцева О.В.**
Государственно-частное партнерство в условиях цифровой экономики………………………………………...346
**Мамаюсупов О.**
Бюджет жараёнида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ролини кучайтириш масалалари………………..350
**Назаров С.З.**
Ўзбекистонда давлат харидлари тизимида рақамли технологияларни жорий этишда янги қадам………………….354
**Усмонов К.А**
Некоторые аспекты прогнозирования доходов государственного бюджета республики узбекистан……………….356
**Пўлотов Ш.Д.**
Рақамли иқтисодиётнинг кичик бизнес ривожлантиришдаги аҳамияти………………………………………………359
**Рахматов Б.И.**
Повышение энергоэффективности горных предприятий на основе управления энергетическими ресурсами (на примере месторождения «Мурунтау» НГМК)………………………………………………………………………..363
**Расулов Ж.Э.**
Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва назорат тизимини мустаҳкамлаш…………………………...374
**Рихсиев Б.Т.**
Белбоғ-йўл ташаббусининг марказий осиёдаги истиқболлари…………………………………...………………380
**Савурбаев А.А.**

Маҳаллий бюджет ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари ……………………………………………………………………………………………………………385
**Шакаров Ж.Х.**
Эркин иқтисодий зоналарнинг тадбиркорлик субъектлари экспортида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш таҳлили қозоғистон тажрибаси мисолид……………………………………………………….…389
**Шарипова Н.**
Ўзбекистонда электрон хизматлар қўшилган қиймат солиғига тортилишининг электрон иқтисодиёт ривожланишига таъсири……………………………………………………………………………………………..396
**Шарипов Ў.**
Иқтисодиётни рақамлаштиришда электрон ҳамёнларнинг ишлаш принциплари……………………………………401
**Таиров У.М.**
Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар ……………………………………………………………………………………………………………405
**Инагамова Л.**
Аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари ва заруряти………………..408
**Толлиев Э.М.**
Мамлакатимизда фаол инвестицион тадбиркорлик муҳитини яратилишида янги таҳрирдаги солиқ кодексининг ўрни…………………………………………………………………………………………………………....412
**Умаралиев С.Р.**
Оилавий тадбиркорлик – аҳоли тадбиркорлигини ривожлантиришнинг муҳим шакли……………………………..418
**Исламкулов А.Х.,Толлиев Э.М.**
Ўрта муддатли бюджетлаштириш шароитида маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш йўллари ……………………………………………………………………………………………………………423
**Хамдамов Ш.К.**
Ёшга доир пенсияларнинг молиявий асосларини мустаҳкамлаш йўллари……………………………………………428
**Холбадалов Ў.Ш.**
Туризм соҳасини рақамлаштиришни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш йўналишлари………433
**Саттаров Б.К., Толлиев Э.М.**
Ҳудудларнинг иқтисодий- ижтимоий ривожланишида ўрта муддатли бюджет солиқ сиёсатидаги ўрни………….437
**Худайберганов Б.Б.**
Рақамли иқтисодиёт ривожланишида “рақамли тошкент” комплекс дастури ва унинг ўрта муддатли молиявий кўрсаткичлари……………………………………………………………………………………………….. 441
**Ахмедов З.Х.**
Солиқ тизимини рақамлаштиришнинг солиқ йиғилувчанлигига таъсири…………………………………………… 448
**Мирзаев ф.и.**
Давлат бюджети харажатларини ўрта муддатли дастурлари юзасидан айрим ёндашувлар…………………………452
**Жумаев .О.**
“Натижага йўналтирилган бюджет тизими”: илғор хориж тажрибаси ва ундан ўзбекистонда фойдаланиш………455
**Сапаров Э.Д., Қудияров К.Р.**
Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион муҳитни шакллантириш ва солиқислоҳотлари……………………..464
**Мадреимов А.О.**
Бюджет тизимини такомиллаштиришнинг стратегик йуналишлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти…...468
**Тошқулов А.Ҳ**
Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб–қувватлашнинг хориж тажрибаси ва ундан республикада фойдаланиш…472
**Асқаров А.Қ.**
Аҳоли тадбиркорлигини ривожлантиришда давлат молиявий ресурсларидан фойдалинишни такомиллаштириш 478
**Жаксымуратов К.Р.**
Истиқболдаги солиқ тушумлари ошишини молиялаштириш ҳисобидан қурилиш ишларини амалга оширишнинг хориж тажрибаси……………………………………………………………………………………………………..481
**Калимбетов Ж.К.**
Иқтисодий жараёнларни эконометрик моделлаштириш масалалари………………………………………………… 485
**Пардаев У.У.**
Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда энергетика хавфсизлигини таъминлаш…………………………………488
**Тошматов Ш.А., Пардаев У.У**

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда экологий сиёсатнинг ташкилий асослари………………………………… 492

# “ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ” МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

**2020 йил 15 май**

**Муҳаррирлар:** Д.Кабулова, Г. Абдуллаева
**Мусаҳҳиҳ:** А.Шорихсиева
**Техник муҳаррир:** А.Юлдашев

Нашр. лицен. AL № 232. 25.09.2013 й.
Босишга рухсат этилди. 24.05.2020 й.
Бичими 84x108 1/16. Офсет босма. Шартли босма табоғи 20,03.